O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
OLTINSOY TUMAN
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА
АЛТЫНСАЙСКОГО РАЙОНА

190700, Oltinsoy tumani, Mustaqillik ko'chasi 8-uy, tel: 47-77-5-16, fax: 47-77-5-16

2019 yil "19" марта                                        К-2377 - sonli

**Тумандаги "Қорлиқ" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Қорлиқ" маҳалласи ҳудудидан Деҳқон хўжалиги ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжали"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-55-моддаларига асосланиб туман аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ҳамда деҳқон хўжалигини ташкил этиш ва Ер майдони ажратиш юзасидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси хулосаси ва фуқаро Жумаева Зарифанинг туман ҳокимлигига берган аризасини ҳисобга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Деҳқон хўжалигини ташкил этиш ва ер майдони ажратиш бўйича туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси хулосаси ва фуқаро Жумаева Зарифанинг туман ҳокимлигига берган аризаси инобатга олинсин.

2. Фуқаро Жумаева Зарифага Қорлиқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 94-контурлардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган ер майдонидан 0,30 гектар ер майдони, деҳқон хўжалиги раҳбарининг ўз маблағи ҳисобидан ер унумдорлигини ошириб, уй-жой қилиб юбормаслик шарти билан деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилсин.

3. Туман Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш "Ягона дарча" маркази директори (Ж.Ишниязов)га ташкил этилган деҳқон хўжалигини рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

4. Туман Ер ресурслари давлат кадастри бўлими (Х.Мамараимов)га ажратилган ер майдонини фуқаро Жумаева Зарифага деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун натурада (жойни ўзида) белгилаб бериш юклатилсин.

5. Туман хокими ўринбосари Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими (З.Абдирахимов)га ташкил этилган деҳқон хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ ишларни белгиланган тартибда режалаштириш ва ваколати доирасида ишларни амалга ошириш тавсия этилсин.

6. Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиги (Ш.Нуриддинов) ва туман Статистика бўлими (О.Хасанов)га ташкил этилган деҳқон хўжалигининг фаолияти давомида ҳисоботи ва ҳисоб китоб ишларини белгиланган тартибда назоратига олиш топширилсин.

7. Фуқаро Жумаева Зарифага ажратилган ер майдонидан белгиланган мақсадда бир йил давомида фойдаланмаган тақдирда ушбу ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиш ҳақида уқтирилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган ер ажратиш комессиясидан сўралсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Туман ҳокими** [signature] **Э.Байниязов**